

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида)

2023 йил март ойининг 15-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Каримов, судья ёрдамчиси Ш.Мухаммаджоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Марғилон шаҳар прокурор катта ёрдамчиси Н.Қобилжонов, жабрланувчининг қонуний вакили Х.Носиров ва судланувчи М.Гофуровларнинг иштирокида,

Гофуров Мухаммадали Усарбоевич, 1984 йил 10 январда Улуғнор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ёлланма ишчи, оилали, муқаддам судланмаган, Андижон вилояти Улуғнор тумани Учкўприк МФЙ Тадбикор кўчаси 13-уйда яшовчи, 2023 йил 20 январь куни “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчи М.Гофуровга оид № 1-1513-2302/102-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи М.Гофуров 2022 йил 28 декабрь куни соат 14⁰⁰ларда ўзига тегишли бўлган бошқарувидаги 60 Q 306 NA давлат рақам белгили дамас русумли автомашинани Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси бўйлаб Марғилон шаҳар маркази томонга бошқариб, Туркистон ва Ислом нури кўчалари кесишган чорраҳага келган вақтда амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларига риоя этмасдан, автомашинани бепарволик билан бошқариши оқибатида, Туркистон кўчасининг пиёдалар ўтиши учун белгиланган жойдан пиёда кесиб ўтаётган вояга етмаган С.Абдурасуловни автомашинасининг олд томони билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2023 йил 4 январь кунги 4229-сонли хулосасида, вояга етмаган С.Абдурасуловда ёпиқ калла мия шикасти, бошини ўнг чакка суяғни, ўнгкўзи орбитаси суяғини юқори деворини ёпиқ силжиган синиши, синиқликлари жойлашган соҳаларини юмшоқ тўқималарини лат ейишлари, бош мия моддасини лат ейиши оғир даражаси, бурун чап қаноти соҳасини, иккала қўллари кафти усти соҳаларини шилинмалари, чап кўзи қовоқлари соҳаларини қонталашлари, ҳар иккала томонлама гемосинуси аниқланиб, оғирлик даражаси оғир, ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати эканлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи М.Гофуров ва жабрланувчининг қонуний вакили Х.Носиров ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи М.Гофуров судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқроп экани, у 2022 йил 28 декабрь куни соат 14⁰⁰ларда ўзига тегишли бўлган бошқарувидаги дамас русумли автомашинани Марғилон шаҳар Туркистон кўчаси бўйлаб Марғилон шаҳар маркази томонга бошқариб бориб,



Туркистон ва Ислом нури кўчалари кесишган чорраҳада вояга етмаган С.Абдурасуловни уриб юборгани, жабрланувчига етказилган зарарни тўлик қоплагани, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Х.Носиров судда, ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, 2022 йил 28 декабрь куни соат 14⁰⁰ларда судланувчи М.Гофуров бошқарувидаги дамас русумли автомашинада ўғли С.Абдурасуловни уриб юборгани, ҳозирда М.Гофуровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлик қоплангани, ҳозирда ўғлининг соғлиғи яхши экани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушингани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили Х.Носиров ва судланувчи М.Гофуровларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Марғилон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Қобилжоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, айбига ихтиёрий иқроорлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, судланувчи М.Гофуровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шунингдек суд, Жабрланувчининг қонуний вакили Х.Носировга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585–586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Судланувчи Гофуров Мухаммадали Усарбоевич Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Гофуров Мухаммадали Усарбоевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.



Судланувчи М.Гофуровга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили Х.Носировга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибда хусусий шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья

Ш.Каримов

Маъсул судья: Каримов Шукуржон Каримович



Ҳужжат имзоланган: Каримов Шукуржон Каримович, 05.03.2023

